Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши.

№ 13 (12.969).

1965 ЯНВАРЬ 17 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Б. Н. ПОНОМАРЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Борис Николаевич **Пономарев Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. МИКОЯН.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль, 1965 йил 16 январь.

ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОД

Совет кишилари истиқболга зўр ишонч билан яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Коммунизм қуришдан иборат олий мақсад уларнинг кундалик ишлари ва зафарларига, ишонч ва оптимизмига илҳом бахш этмоқда. Марксизм-ленинизм идеялари нури халқимизнинг қаҳрамонона йўлини ёритиб турибди. Революцион назария Ленин партияси сиёсатининг илмий негизидир; бу назария ижтимоий тараққиёт қонунларини тўғри тушунишга, олға ҳаракат қилиш йўлини равшан кўриб билиш имконини беради.

Марксизм-ленинизм миллион-миллион кишиларнинг амалий ишларида ўз ифодасини топмоқда. Маркс, Энгельс, Ленининг асарлари, КПСС XX, XXII съездларининг қарорларида, партия Программасида, коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашларининг ҳужжатларида таъбирлаб берилган янги назарий хулоса ва қоидалар битмас-туганмас чашма бўлиб, совет кишилари бу чашмадан янгидан-янги маънавий куч олиб, ғоявий эътиқод, улуғ ишимизнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Революцион назарияни ўрганиш — меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг онглилигини ва коммунистик қурилишда активлигини оширишнинг қудратли воситасидир. Партия коммунистларни, барча меҳнаткашларни сиёсий маърифатли қилишга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги вақтда партия ташкилотларининг сиёсий маориф системасида 26 миллиондан кўпроқ киши шуғулланмоқда. Коммунистлар ва партиясизлар мамлакатимизда коммунизм қурилишининг энг муҳим проблемаларини, жаҳон социалистик системасини ривожлантириш проблемаларини, коммунистик ва ишчи партияларнинг тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун кураш-даги стратегияси ва тактикаси проблемаларини зўр иштиҳе билан ўрганмоқдалар.

Дастлабки ойларнинг машғулотлари замонамизнинг ана шу муҳим проблемаларини ўрганиш совет кишиларининг интилишларига муносиб бўлиб, катта наф келтираётганлигини кўрсатади. Тингловчилар партия тарихини, фалсафа, сиёсий иқтисод маса-лаларини, илмий коммунизм назариясини қунт билан ўрганган, машғулот практика билан, коллективларнинг вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб борилган тақдирда, коммунизм қурилиши, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим проблемаларини ўрганиш айниқса муваффақиятли боради. Бу-ларнинг ҳаммаси совет кишиларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради, уларнинг партия сиёсатини ва бу сиёсатни амалга ошириш учун жавобгарлигини чуқур тушуниб олишларига кўмаклашади, хўжалик ва маданий қурилиш планларини бажариш учун курашда меҳнаткашларнинг активлигини оширади.

Мисол учун Москва, Ленинград, Киев, Минск, Тошкент ва бошқа бир қанча шаҳар ҳамда областлар партия ташкилотларининг тажрибасини олиб кўрайлик. Бу йил ана шу ташкилотларнинг ишлари учун характерли бўлган нарса нимадан иборат? Коммунистлар машғулотларнинг ғоявий савияси тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қила бошладилар, марксча-ленинча назарияни ўрганишга ижодий тарзда ёндошиб, ўқишни турмуш билан маҳкам боғлаб олиб бормоқдалар. Пропагандистлар партия сиёсати қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилмоқдалар, мамлакатимиз қўлга киритаётган муваффақиятларни яққол кўрсатиб бермоқдалар, тингловчиларни назарияни практикада қўлланишга, фактлар ва воқеаларни чуқур таҳлил этишга, ўз корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ишидаги хато ҳамда камчиликларни дадил очиб ташлашга, ана шу нуқсонларни бартараф қилиш йўллари ва воситаларини қидириб топишга ўргатмоқдалар.

Барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва жамоат ҳўжалигига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — идеология ишидаги асосий вазифадир. Сиёсий ўқишнинг асосий вазифаси қироатхонлик, тайёр формулаларни ёдлаб олиш эмас, балки назарияни чуқур ўзлаштириб олишдан, назарияни турмушда татбиқ эта билиш маҳоратини эгаллашдан, коммунистик ғоявий эътиқодни шакллантиришдан иборат. Маш-ҳамда областлар партия ташкилотларининг тажрибасини олиб кўрайлик. Бу йил ана шу ташкилотларнинг ишлари учун характерли бўлган нарса нимадан иборат? Коммунистлар машғулотларнинг ғоявий савияси тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қила бошладилар, марксча-ленинча назарияни ўрганишга ижодий тарзда ёндошиб, ўқишни турмуш билан маҳкам боғлаб олиб бормоқдалар. Пропагандистлар партия сиёсати қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилмоқдалар, мамлакатимиз қўлга киритаётган муваффақиятларни яққол кўрсатиб бермоқдалар, тингловчиларни назарияни практикада қўлланишга, фактлар ва воқеаларни чуқур таҳлил этишга, ўз корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ишидаги хато ҳамда камчиликларни дадил очиб ташлашга, ана шу нуқсонларни бартараф қилиш йўллари ва воситаларини қидириб топишга ўргатмоқдалар.

Барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва жамоат ҳўжалигига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — идеология ишидаги асосий вазифадир. Сиёсий ўқишнинг асосий вазифаси қироатхонлик, тайёр формулаларни ёдлаб олиш эмас, балки назарияни чуқур ўзлаштириб олишдан, назарияни турмушда татбиқ эта билиш маҳоратини эгаллашдан, коммунистик ғоявий эътиқодни шакллантиришдан иборат. Машғулотлар ижодий тарзда ўтказилган, кишиларнинг назарияни чуқур ўзлаштиришга орзу-ҳаваси, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини мустақил ўрганишга қизғин интилиши кучайиб борган тақдирда, бу мақсадга эришилади.

Биз шунга эришмоғимиз керакки, идеялар, сиёсий билимлар кишиларнинг эътиқодига айлансин, эътиқод эса меҳнатда, ижодий активликда, ўз вазифаларини, халқ олдидаги ўз бурчларини онгли суратда бажаришда ифодасини топсин. Бу асосий нарсадир. Нақлларни ҳадеб рўқач қила берган ҳолда, ҳамма нарсага бепарво қарайдиган киши эмас, балки ишлаб чиқаришни, фан, маданиятни ривожлантириш вазифаларини ишнинг кўзини яхши билиб, биринчи навбатда сабот билан ҳал этадиган, партия ҳаётининг ленинча нормаларига сўзсиз риоя қилиш ва социалистик демократияни ривожлантириш учун кураш олиб борадиган, ўзининг бутун кучи, ғайрати ва билимини коммунизм қуриш ишига бағишлайдиган ва душман идеологияга қарши шафқатсиз кураш олиб борадиган киши ғоявий жиҳатдан мустаҳкам эътиқодли жангчидир.

Совет кишиларининг кун сайин ўсиб бораётган онглилиги ва марксизм-ленинизм идеяларига фидокорона садоқати уларнинг ишларида, социалистик мусобақанинг муваффақиятларида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун кенгайиб бораётган ҳаракатда ёқин намоён бўлмоқда. Биз барча совет кишиларининг партия ва халқ олдида турган вазифаларни равшан тушуниб олишларига ва бу вазифаларни ўзлаштиришнинг жонажон иши, шахсий иши деб билиб, амалга ошириш учун кураш олиб боришларига эришмоғимиз лозим.

Муваффақиятларга осонликча эришиб бўлмайди. Қийинчиликларни енгиб ўтиш, ғовларни бартараф қилиш, қолоқ, консерватив нарсаларнинг ҳаммасига қарши, ўтмиш сарқитларини ташувчиларга қарши, буржуа ҳуқ-атвори, душман идеологияси кўринишларига қаршн кураш олиб бориш керак. Коммунизм қурувчисининг ғоявий эътиқоди бу курашда мустаҳкам қуролдир.

«Сельская газета» (Белоруссия) яқинда икки мутахассис — Молодечно районидаги Янка Купала номли колхознинг агрономи Климашевская ва Бобруйск районидаги «Новий путь» колхозининг зоотехниги Сташевский ҳақидаги материалларни босиб чиқарди. Биз бунда икки ходимни ва ишга икки хил муносабатни кўрамиз. Климашевская звено бошлиғи бўлиб ишлади, институтнинг сиртқи бўлимини тамомлаб чиқди. У ҳозир агроном бўлиб ишламоқда. Климашевская илғор агротехника, ҳамма янгилик, прогрессив нарсаларни жорий қилиш учун астойдил курашмоқда, давлатнинг, колхознинг манфаатларини кўз қорачиғидек кўриқламоқда. Принципиал иш кўрувчи ана шу коммунистни икки марта партия ташкилотининг секретари қилиб сайладилар, У, районнинг энг яхши пропагандистидир. Зоотехник Сташевский эса ўқимишли, билимдон киши, деб айтадилар. Аммо, унинг ишлари кўнгилдагидек эмас. Фермаларда тартиб йўқ, колхоз чорвачилиги ўлда-жўлда. Зоотехник бу ишларнинг ҳаммасига бепарво қарайди, янгилик билан сира қизиқмайди. Уни ғоявий жиҳатдан чиниққан жангчи, деб айтиш мумкинми? Бунинг учун унинг ўртоқлари бўлган коммунистлар, партия ташкилоти ҳам айбли эмасми?

Одамлар жўшқин ҳаётда, амалий ишда камолотга эришадилар. Улар коллективда, принципиаллик, таниқ ва ўз-ўзини таниқ вазиятида, бир-бирига нисбатан талабчан бўлиш, қолоқ, консерватив нарсаларнинг ҳаммасига, ишдаги хато ва камчиликларга муросасиз бўлиш вазиятида ғоявий жиҳатдан чиниқиш мактабини ўтадилар. Партия ташкилоти коллективда ҳар бир кишининг сиёсий жиҳатдан ўсишига, коммунизмнинг актив қурувчисига хос хислатларга эга бўлишига ёрдам берадиган вазиятни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи керак.

Коммунистларни, барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш масалалари партия йиғилишларида, партия комитетларининг бюро мажлисларида ва пленумларида ваҳт-ваҳти билан муҳокама қилиниши лозим. Партия ташкилотлари ва комитетлари хусусан пропагандист кадрларга жиддий эътибор бериб, катта ёрдам кўрсатишлари керак. Ҳар бир коммунистни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш учун унинг жавобгарлигини ошириш керак. Партия аъзолари ўқишнинг бирор формасини ихтиёрий суратда танлаб оладилар, ленин ўқиш керакми ёки йўқми, деган масалани сира ҳам ўз ихтиёрларича ҳал эта олмайдилар. Марксизм-ленинизм назариясини эгаллаш, ўзининг ғоявий савиясини ошириш, коммунистик жамият кишисини шакллантириш ва тарбиялашга ёрдам бериш — уларнинг партия Уставида белгиланган вазифаси, партиявий бурчидир.

Афсуски, коммунистларни, барча меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашга бепарво қараётган партия комитетлари ҳали ҳам учраб туради. Масалан, Липецк статистика заводининг парткоми (секретари Н. А. Конишчев) неча ўнлаб коммунистларнинг ўз сиёсий билимларини оширмаётганлигига, раҳбарлардан кўпининг, шу жумладан директор ўринбосари Клепиков, бош инженер Степанишчев, бош технолог Бочаровларнинг пропаганда ишида қатнашмай келаётганликларига, заводда партия пропагандаси соҳасида жиддий нуқсонлар борлигига тоқат қилиб келмоқда.

Марксизм-ленинизмни пропаганда қилишни тинмай яхшилаш, коммунистларда, барча меҳнаткашларда революцион таълимотни эгаллашга амалий, чуқур иштиёқни ошириш, ҳар бир совет кишисининг янги ҳаётнинг онгли ва актив ижодкори бўлишига эришиш — ҳар бир партия ташкилотининг бурчидир.

(16 январдаги бош мақола).

Сўнгги соатда

Афгонистон санъаткорларининг Свердлов номли концерт залида берилган навбатдаги концерти зўр муваффақият билан ўтди. Пойтахт томошабинлари чет эллик санъаткорларни самимий табриклашди.

●

Чилонзор район ижроия комитетидан хушхабар олинди: ҳозир бу массивда яшаётган аҳоли сони 115 минг кишига етди.

●

«УЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТ САЙЛОВЛАРИГА БАҒИШЛАБ ЧИҚАРГАН КИТОБЛАРНИ РЕСПУБЛИКА КИТОБ МАГАЗИНЛАРИГА ТАРҚАТДИ.

●

«Узгоспроект»дан телефон орқали 1970 йилда республикамизда 36 та санаторий ҳамда дам олиш уйи қурилиб битказилишини маълум қилишди.

●

Наманган шаҳридаги «Пахтали кўл» санаторийси қошидаги ҳаваскорлик тўгараги Р. Охуновнинг «Оила монологи» номли бир пардали комедиясини дам олувчиларга кўрсатди.

«Узбексельмаш» заводи коллективи «СТХ-4,5» маркали сеялкалардан январь ойининг ўзида 650 та ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Суратда (чапдан ўнгга): йиғув цехининг слесари А. Еқубжонов, бригадир Д. Кудренко ва слесарь З. Санаев ўртоқлар бу мажбуриятнинг шараф билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

И. Глауберзон фотоси.

ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ХИМИЯГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети минерал ўғитларни ишлаб чиқариш, ташиш ва улардан фойдаланиш топшириқлари қандай бажарилаётганлигини оммавий текширишдан ўтказа бошлади.

1 майгача давом этадиган бу текширишда партия-давлат контроли органларига қўмаклашувчи группа ва постлар, «Комсомол прожектори» отрядлари, халқ ҳўжалиги мутахассислари, касаба союз активлари фаол қатнашмоқлари керак.

Қишлоқ меҳнаткашларига минерал ўғитлар ва ўсимликларни химиявий ҳимоя қилиш воситаларини етказиб берувчи ҳар бир корхонанинг иши доимо текширувчиларнинг диққат марказида туриши лозим. Текширувчилар ана шу корхоналар белгиланган планни маҳсулотнинг нераки турлари бўйича ва юқори сифатли қилиб, ўз вақтида бажараётирларми, йўқми, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириб, ўзлаштириб бораётирларми ёки йўқми, эканлигини кузатиб туришлари лозим. Ўғитларни темир йўл орқали ва станциялардан далаларга ташишда нобуд бўлишига сира йўл қўйилмасин. Колхозчилар ва совхоз ишчилари агрохимиянинг асосий талабларини қанчалик яхши билишларини, химиявий материаллардан самарали фойдаланиш учун хўжаликларда ҳамма чоралар қанчалик кўрилаётганлигини текшириш — энг муҳим вазифадир. Минерал ўғитлар сақланадиган омборлар қурилишини назорат остига олмоқ керак.

Қишлоқ хўжалигини кенг суратда химиялаштириш учун республикада бўлган бой резерв ва имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун кураша партия ва совет органлари, хўжалик раҳбарларига амалий ёрдам бериш — текширишни муваффақиятли ўтказишнинг зарур шартидир. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«Совет Қорақалпоғистони» газетасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи «Совет Қорақалпоғистони» газетасининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида Автоном республика олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиш ишидаги хизматларини эътиборга олиб ва газетанинг биринчи сони босилиб чиққан кунининг 40 йиллиги муносабати билан «Совет Қорақалпоғистони» газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1965 йил, 16 январь.

СИФАТ УЧУН ҲАММА ЖАВОБГАР

1964 йил корхонамиз учун самарали йил бўлди. Давлат планларини ортиги билан бажардик. Пахтакорнинг қадрдон дўсти бўлиб қолган «СТХ-4» сеялкаларидан планга қўшимча равишда 755 дона, кўрак чувиш ва пахта тозалаш машиналаридан ҳам планга қўшимча равишда бир неча юзта тайёрланди.

Янги машиналар тайёрлашни ўзлаштириш ва уларнинг сифатини яхшилашга рационализаторларимиз муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йили 230 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 187 минг сўмга яқин маблағ тежалди. 87 минг киловатт-соат электр энергияси, 100 тонна пўлат қуйилма, 500 тонна металл прокати иқтисод қилинди. Қуюв цехининг старший мастери Шароф Қосимов ва шу цехнинг слесари Владимир Салогубов заводимизнинг байроқдор рационализаторларидир.

1964 йилда пахтакорларнинг жонига аро кирган, ерга тўкилган пахтани теришга мўлжалланган «ПХ-1,2» маркали машинани ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги машинани синаш яхши натижа берди. Бу машинанинг афзаллиги шундаки, у қўл ва машина теримидан сўнг ерга тўкилган пахтанинг қарийб ҳаммасини (92 процентини) теріб олади. Машина 30 теримчининг ишини қилади.

Ҳозир «ПХ-1,2» машинасини йиғиш цехида иш жуда қизғин. Икки йиғув, бир транспорт конвейери, бир неча монорельслар қурилмоқда. 1965 йилда йиғув цехининг қуввати йилига 10 минг та «ПХ-1,2» машинаси ишлаб чиқара оладиган бўлади.

Ерга тўкилган пахтани теріб кетадиган «ПХ-1,2» машинаси конструкциясини пахтакорларнинг маслаҳатларини эътиборга олиб, янада такомиллаштирмоқчимиз. Бу машиналардан тобора кўпроқ тайёрлаш учун эса умумий сатҳи 7700 квадрат метр бўлган корпус қуриш лозим. Янги корпусни барпо этиш учун заводда жой етарли. Бу корпусда мукаммал поток линиялар ўрнатилади. Бу эса ўз навбатида арзон, пишиқ ва сифатли машиналар тайёрлаш имконини беради. **Энди ҳамма гап ерга тўкилган пахтани терадиган машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган қурилиш ишларини жадал суръат билан бошлаб юборишда қолган.**

1965 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги учун яна ҳам кўпроқ ва узоққа ишлайдиган машиналар тайёрламоқчимиз. Бу йил «СТХ-4,Б» сеялкасидан 6500 та, «УПХ-1,5Б» кўрак чувиш машинасидан 2200 та, «ПХ-1,2» машинасидан 3500 та, ғўзага дори пуркаш агрегатидан 220 та, аэрозол мосламасидан 1000 та ва анчагина запас қисмлар тайёрлаш планлаштирилган.

Заводимизда Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг ташаббусини кенг муҳокама қилиб, амалий тадбирлар белгиламоқдамиз. Очғини айтиш керакки, баъзан ишимизда брак ҳам содир бўлиб турди. Тайёрлаётган машиналаримизнинг бешдан бир қисми кам-кўсти бўлганлиги учун қайта ишлашга берилади.

Фикримизча, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, бракка тамоман чек қўйиш учун ҳамма цех ва участкаларда ишни бир меъёрда йўлга қўйиш керак. Бу мураккаб ишни бир киши, икки киши, борингки ўн киши эмас, бутун бошли бир коллектив — заводнинг ёрдамчи ишчисидан тортиб, раҳбарларигача амалга ошириши, шунинг учун жон қуйдириши, куйиб-пишиб ишлаши керак. **Зотан, маҳсулот сифати учун заводдаги жамики ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчилар жавобгардир.**

Бу йилги социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариш учун, тайёрлаётган машиналаримизнинг «умри»ни узайтириш учун белгиланган тадбирларимиздан баъзиларини айтиб ўтмоқчимиз. Биринчи кварталда «УПХ-1,5Б» машинаси, ғўзага гербицид сочадиган «ПГС-2,4» мосламасининг насоси модернизация қилинади ва унинг баки зангламайдиган металлдан ясалади. Кўрак чувиш машинасининг ҳам чертежларини яна бир назардан ўтказиб, технологик ускуналарнинг такомиллаштиришни ўйлаяпмиз. Шунингдек, сеялкаларни бўяш ва қуритиш учун махсус камерани биринчи кварталда ишга туширамиз ва ниҳоят ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида тайёр маҳсулотни беками-кўст, биринчи тақдим этишнинг ўзидаёқ топширишга эришмоқчимиз. Қуюв цехи участкаларидаги иш жараёнларини комплекс механизациялаштирамиз. Заводнинг асбобсозлик цехида деталь ва ускуналарни электроэрозия, электрохимия, ультратовуш усули билан ишлаймиз.

Корхона эҳтиёжлари ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. «УПХ-1,5 Б» машинаси очиқ ҳавода бўялмоқда, баъзи технологик операцияларни бажариш учун жой етишмайди. Бу, албатта машинанинг сифатига ва таннархига таъсир этмоқда. Асбобсозлик цехимиз жуда ҳам тор. «Узгипротяжпром» институти ана шу цехнинг янги корпуси лойиҳасини тузиб чиқди. Назаримизда, шу яқин орада цехни кенгайтириш бўйича қурилиш ишларини бошлаб корпусни 1 июлга қадар битказиш лозим. Биз пахтачилик ва пахта тозалаш бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроларининг мутахассислари тайёрлаган чизмалар бўйича машина чиқарамиз. Аммо машина конструкциясини яхшилаш бўйича таклифларни амалга ошириш йўлида тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, агар завод мутахассислари машинани такомиллаштириш бўйича бирон-бир таклиф ишлаб чиққан бўлсалар, конструкторлик бюросининг рухсатисиз заводнинг ўзи уни амалга ошира олмайди.

Машинасозлар қишлоқ хўжалигимизга серунум, кўпга чидайдиган, далада тихирлик қилмайдиган мукаммал машиналар ишлаб чиқариш учун ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

Н. МИРЗАРАҲИМОВ,
«Узбексельмаш» заводининг директори.
Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ,
шу корхона инженери.

КРЕМЛДА ТОЖИКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ КОНЦЕРТИ

МОСКВА. Тожик ашулачилари, раққослари ва музикачилари ўз концертида халқ талантларига бой жонажон серқуёш ўлка тўғрисида москваликлларга сўзлаб бердилар. Улар 15 январда Кремлдаги Съездлар саройида биринчи марта ижро этилган «Қуёш ва тоғлар ўлкаси мелодияси» байрам программасини Тожикистон ССР ҳамда республика Компартиясининг 40 йиллигига бағишладилар.

Тожик артистлари ўз концертларининг кўп номерларини Ленин ва партияга, халқлар дўстлигига, меҳнат ва тинчликка бағишладилар. Москваликлар бу кеча кўп асрлик традицияга эга бўлган тожикларнинг ўзига хос халқ санъати билан ҳам танишдилар.

Ғоят муваффақиятли ўтган концертда Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Сислов, А. Н. Шелепин, Л. Ф. Ильичев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов ўртоқлар, шунингдек Тожикистон ССРнинг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

А. А. Громиконинг Англияга қиладиган сафарига доир

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Буюк Британия ташқи ишлар министри П. Гордон-Уокернинг Англия ҳукуматининг меҳмони сифатида 1965 йил март ойида Буюк Британияга келиш ҳақидаги таклифини қабул этганлиги 1964 йил 11 декабрда эълон қилинган эди. А. А. Громиконинг Лондонга бориши 16 март, сешанба кунига белгиланди.

СССР БИЛАН МАЛИ ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

БАМАКО, 15 январь. (ТАСС). Судан Иттифоқи партиясининг органи «Эссор» газетаси бугунги сонида Мали ахборот ва туризм министри Мамаду Гологo КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегациясини қабул қилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни босиб чиқарди. Учрашувда Совет Иттифоқи ва Мали Республикасининг ахборот соҳасидаги ўзаро муносабатларига тааллуқли масалалар муҳокама қилинди.

«Эссор» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: Совет партия делегациясининг аъзолари ва Мали Республикаси ахборот ҳамда туризм министрлигининг раҳбарлари бу учрашувнинг якунларидан тамомила мамнун бўлганликларини билдирдилар. Бу учрашув мамлакатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга ва умуман социализм қурилишига ҳисмат қилади.

КЎП ВА АРЗОН ГЎШТ ТОПШИРАЙЛИК

Республика колхоз ва совхозлари ҳар ўн кунда бир меъёрда гўшт топширишлари мумкинми? Мумкин ва лозим. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чорва моллар тайёрлаш, боқиш, семиртириш ва сотиш бош бошқармаси ходимларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш қатнашчилари ана шу ҳақда гапирдилар.

Кенгашда бўрдоқига боқиш хўжаликларини колхоз ва совхозлардан қабул қилиб олинадиган молларни парвариш қилиш учун ихтисослаштириш ғоят фойдали эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Молларни интенсив бўрдоқига боқиш, танлаб, фақат юқори семизликда топширишга ва моддий манфаатдорлик принципидан моҳирлик билан фойдаланиш туфайли бўрдоқига боқувчи илғор хўжаликлар молларни бир суткада ўрта ҳисобда 600 граммдан 1 килограммгача семиртиришга эришдилар. Бу хўжаликлар орасида Алимкент, Горчаково, Оржоникидзе, Наманган, Андижон, Каттақўрғон, Қўқон, Хонобод, Ўртаовул бўрдоқига боқиш хўжаликлари, шунингдек «Когон» совхози ва бошқарманинг марказий базаси бор.

Кенгаш қатнашчилари аҳоли ихтиёридаги ортиқча молларни харид қилишни уюштиришни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Комп. партияси Марказий Комитетининг секретари Н. Ж. Ҳудойбердиев нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

КЕКСА ЖУРНАЛИСТ ЮБИЛЕЙИ

Тошкент жамоатчилиги Ўзбекистоннинг кекса журналистларидан бири, «Ўзбекистон коммунисти» журналининг редактори Степан Семенович Черник туғилган кунининг етмиш йиллигини самимий нишонлади.

С. С. Черник партия журналисти сифатида катта йўл босиб ўтди. 1919 йилдан бери КПСС аъзоси, Туркистонда контрреволюцион қучларни тор-мор келтириш қатнашчиси С. С. Черник Ўзбекистонда совет журналистикасини қарор топтиришдан иборат олижаноб ишга деярли ярим аср умрини бағишлади. Талантли редактор ва ажойиб пропагандист С. С. Черник республика журналистларининг катта отрядини тарбиялаб етиштирди.

Етмиш ёшга тўлган кунда юбиляр Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини олди. Республика газета ва журналларининг вакиллари ҳам унга самимий қутладилар. С. С. Черникка Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. У Ўзбекистонда партия ва совет матбуотини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Фахрий ёрлиқ билан мукофотланган эди. (ЎзТАГ).

АДАБИЁТ САҲИФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДХОНАСИДА

МУЖИЗАКОР сўз санъаткори, шоир, академик Ғафур Ғуломнинг айқин дарёдай сертўлқин, тонгдай шаффоф, баҳордай рангин, забардаст шеърияти заршунос халқимиз қалбидан абадий жой олгандир. Унинг гоҳ лирик майин, гоҳ денгиздай долғали жарангдор овози, ўзига хос садоси шеърият ихлосмандларини ҳамиша мафтун этади. Халқимизнинг ижодкор меҳнати, ранг-баранг воқеаларга бой ҳаётимиз, она-юрт табиатининг жозибадор манзаралари, дўстлик-қардошлик ғоялари, бахт ва муҳаббатнинг илҳомбахш қудрати санъаткор қалбини мудом тўлқинлантиради, унинг ҳис-туйғуларида, фикру ўйида сўзнинг ва сознинг дилрабо жилваларини намоён қилади. Шоир ўзининг «Вақт» номли фалсафий шеърида:

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин, — деган эди.

Атоқли шоир шу кунларда улкан ижодий режалар билан банд. Унинг сермаҳсул қалами талабчан китобхонларимизга гўзал шеърият гулдасталарини, ўқувчига завқ-шавқ бағишловчи ҳикояларни бахш этмоқда, баъзи кишилар онгида халигача сақланиб келаётган ўтмиш сарқитлари устидан кулиб ёзилган ажойиб ҳажвиялар ҳадя қилмоқда. Ғафур Ғулом 1965 йилда ёшлик ғайрати билан жўшиб, ҳаётимизни улуғловчи янги-янги асарлар билан севимли ўқувчиларини хушнуд этмоқчи.

Ижодингизга барака, ҳурматли Ғафур ака!

ОЛИМ ДЎСТИМГА

Тарихда кўркамликдан ўзга вазифаси йўқ
Машҳад минораси ҳам қўққайганча турибди.
— Мулла кишиман — дейсан, ялакатдай маҳзим тўқ, —
Яхши. Билганларингнинг баҳрасин ким кўрибди?!
Куя еган китоблар сақланган сандиқмисан,
Бир варақ мазмунидан қалбларга оқмайин нур.
Ўзинг ўз оламингда гўё мудаққиқдирсан*
Ховончада сув янчган эмчилар каби маҳрур.
Бемаъни хаёлларнинг жилвасига алданма,
Унинг на тутқаси бор, ранги, ҳиди, сояси.
Сувда керосин изи беқасамдай товланур,
Ранго-ранг маҳрурликнинг манманликдур дояси.
«Умринг ўтиб боряпти, нодонсан хабаринг йўқ...»
Халқимиз бир сўз айтса шамолга соврилмайди.
Утган ҳар бир дақиқа гўёки отилган ўқ,
Ҳаттоки тик назар ҳам орқага қайрилмайди.
Кўчатнинг томиридан, чечагин хатигача
Ўқиб чиқайин десанг ўнлаб наҳор ўтади.
Чаман дебочасининг лавҳасига кўз солиб,
Сайр этиб улгурмайсан, рангин баҳор ўтади.
Ватаннинг олти буржи қадам-қадам муқаддас
Бир чигитча билганинг шу тупроққа тушса хуш.
Бу йўлда якка отнинг чанги ҳам донги чиқмас,
Илмингни халқ қомусин жилдига келтириб қўш.
Ўтмас тиғни чархламоқ удум бўлган ҳамиша,
Кундузлик меҳнат — одат онги ёрқинлаштирар.
Халқнинг манфаатини ҳар дам қилмоқ андиша,
Оқшомлар заҳмат чекмоқ — тонгни яқинлаштирар.
Камгарлик, руҳингдаги олийликдан нишона,
Қуйи пойдевор ғишти бинони кўтаради.
Икки-уч чизиқ билан қаримайди пешана,
Висол умид қилганлар жафони кўтаради.

* Мудаққиқ — тадқиқотчи, бир илмий масалани чуқур текшириб билувчи.

МОҲГУЛ

(АФҒОНИСТОН САМОЛЕТИДА СТЮАРДЕССА БЎЛГАН ҚИЗГА)

Халқинг каби жасур афғон қизисан,
Мукаммалсан, яъни замон қизисан,
Қандаҳорли нексa боғбон қизисан,
Шу соатда аммо осмон қизисан
Йўловчилар қарашади, Моҳгул,
Кийган форманг ярашади,
Моҳгул.

Талай қизни кўрдим Кобул,
Ҳиротда,
Чодир ичра зулматда, пулсиротда,
Сен учасан қўш қанотли ғиротда,
Олмас пора қадри ошар қиротда,
Қорачиғинг чақинсимон, Моҳгул,
Умидларинг оқинсимон, Моҳгул.

Ташна эдим бир қадаҳда сув
бердинг,
Лиму эзиб шакарлаб нулну бердинг,
Шифо бердинг, хўп қилдинг,
эзгу бердинг,
Жамолингдан қалбимга нўзгу
бердинг,
Сувдай сероб бўлгил энди,
Моҳгул,
Ева сароб бўлгил энди, Моҳгул.

Кошки эди барча афғон қизлари,
Уз халқининг нўи тўла юлдузлари
Гард-ғуборсиз порласа кундузлари,
Жаҳон сигган онгли қора кўзлари,
Сенинкидай кулиб турса, Моҳгул,
Дилни ўртаб, юлиб турса, Моҳгул.

Кобул—Ҳирот осмон йўли,
24 ноябрь. 1964 йил.

МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ

Воқеий ҳикоя

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил — ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам—онамнинг оналари Рокиябиби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб «қора бувн» деб атаймиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увин, тўда кўрпа-ястиқларга ўралиб, биттагина ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентябрь ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пижжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қорабувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, иоскаш кампир эдилар.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузи тик келганда ғунғур-ғунғур овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овоз билан сухбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз, ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўрт бурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, Шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боққа кўчиб кетадилар. Ҳозир улар томон бўш.

Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-а, дунёда. Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдимда. «Бизникига ўғри келди». Ғурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикин?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг томидан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим пуф деб носни туфлаб, томга қараб:

— Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, хайнахой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими, — дебдилар.

Ўғри томдан туриб:

— Ахир, бувижон, сиз ҳам бирорнинг кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тиринчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми?

Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

— Ҳой, айланай ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими. Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлар гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтириб мизғигандай қуш уйқуси қиламан. Кечалари хаёл олиб кочиб кетади.

— Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? — Бу гаплан кейин устидаги тўнини турмучлаб бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

— Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайманда, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттик, тиянинг кўзидай нон анқога шапиғ. Ҳали булар-нинг кўлидан иш келмайди. Сўққа бошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзғоридан ортиб, буларга қут-лоямут бўлиши қийин. Рўзғорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутгидай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтоғ чидамас», деганлар. Эҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади. Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тағин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

— Тўғри айтасиз, бувижон, — деди ўғри, — менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товуқ-қа ҳам дон керак, ҳам сув керак деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўққа, Алининг тиғига ураман. Бўлмаса ишлай десам билагимда қувват бор, ақли-ҳушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғирлик касби ёқади дейсизми. Туппа-тузук аёлманд косибнинг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска пошшо бўлгандан кейин уруш тўхтайди деган эдилар. Ҳаливери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон замон ўша илиги тўқларники.

— Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдими, болам, — деди кампир.

— Нима касб қилай? Ҳамма косибларнинг ҳам бозори касод. Ота касбим ковушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан ковушлан уч баравар қиммат. Хоммоллик қилай десам, аввалгидек қоплаб галла, қоплаб сабзи-шалғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувамат ота бутун қолипу, шону, сўзан, бигизларини улгуржисига иккн пуд жўхори унга мовоза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чорраворга бош сукманг, ўн бешта етим ювқусиз қўлини чўзиб «амаки нон беринг» дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у. Битта ман эмас, бувн, маҳаллададнинг қўлидан иш келмайди. Сўққа бошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзғоридан ортиб, буларга қут-лоямут бўлиши қийин. Рўзғорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутгидай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтоғ чидамас», деганлар. Эҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади. Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тағин бу етимларнинг биттагинаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, қўнчилар ҳам боринг-ки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди.

— Ҳув худоё уруши бошига етсин. Қиёмат қойим дегани шудир-да, а, ўғригина болам. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешанасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир, ноиложликданку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдими? Мана, шу маҳаллада Каримқори деган читпуруш бор. Одилхўжабой деган пудратчи бор, Матёқуббой деган кончи бор. Буларнинг давлати-ку, мил-мил. Бешикдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдими?

— Эй, бувим гўшмагур, соддасиз-соддa, — деди ўғри. Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг қўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса, бир ҳафта вовуллайди. Одилхўжа бойнинг Ғуломгардишида-чи (йўлак) милтиқ ушлаган гардовой туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам сибир қилиб юборади.

— Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо, лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тағин бадном бўлиб қолмагин, — деди бизнинг кампир.

— Гапингиз тўғри, бувн, тунов куни Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товуқ, битта хўроз ўмарган эдим.

— Товуқ-хўроз дедингми? — ҳа, бу махлуқлари қурғур қақақлаб сени шармандa қилмадими?

— Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, бувн, товуқ олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин қўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай ахмоқ жонивор оламда йўқ. Емғир ёғяпти шекилли деб ўйлаб, бошини ичига тиқиб, хап ётаверади, кейин битта-битта хийқилдоғидан тутиб халтага соламан.

— Шунақа дегин, вой товба-ей, Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мўрт гардони бўлар экан-да.

— Шундай қилиб десангиз, бувихон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди. Йўқ, элликбошимиз Раҳмон хўжага хўрозини олиб бориб берган эдим, ишни бости-бости қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб 63 сўм пул жамғариб «топганимиз шу, элликбоши ота» деб пора берган эдим, рабочига кетишдан олиб қолди.

— Ҳа, иш қилиб, бола-чақасининг эгилигини кўрсин. Энди бу ёққа қара, ўғри болам, ҳадемай тонг ҳам ёришиб қолар. Ана ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сирғилиб пастга туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар боғдан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болтани олиб шунинг бир чаккасидан озгина учириб бер, қумғон қўяман. Кеча тоғанг бериб кетган зоғорадан иккитасини олиб қўйганман, биргалашиб чой ичамиз.

— Пўғ-е, бувн, — деди ўғри, — тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.

— Вой-ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқе ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг ғашига тегдик шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам.

— Йўқ, йўғ-е, бувн, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Ҳайр энди, бувн, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

— Хўп она, хўп...

* * *

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳозигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.

АБДУРАҲМОН Жомий 550 йиллиги муносабати билан Кобилда йиғилган симпозиум делегатларидан бир группаси — Афғонистон, Бирлашган Араб республикаси, Покистон, Эрон ва Совет Иттифоқи делегатлари Алишер Навоий қабри тепасида.

ИККИ ШЕЪР

1. СОЧИНГ ОҚАРИБДИ

РАФИҚАМ МУҲАРРАМХОНГА АТАЙМАН

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Ишкингда кезганим тонг отарларни
Ўриб олгандирсан, шу дурранг кўркам.
Қирқ йил қирғин бўлса қопқа тубида
Бахтинг қўрғида ўзим посбон.
Ўзим қулоғингга шивирлаганда,
Бағримга очилган бағрингдек жаҳон.
Едимда ўша кун, талпинган юрак
Бузиб қочаларди кўкрак қафасин,
Агар сезмасайди туташганини
Сенинг нафасингга ўзин нафасин.
Менинг Муҳаррамим, шеърлар ёзиб,
Кўнглингни овламоқ ниятим эмас.
Сочинг юлиғидан тузоқ боғлабон
Қалбим бедонасин овлагансан, бас!

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Шарафлар қутбидек икки чаккангта
Бутун мазмунимни ҳадя қилсам кам.

2. СЎРАНГ

Дилдаги севгу жилосини жамолидан сўранг,
Уйдаги ҳар маърифат нурини камолидан
сўранг.
Боғимизда юз туман ранг офтоб кўзгусидек,
Бу чирой мазмунини рухсори олидан
сўранг.
Бахту иқболу шарафнинг чашмаси
меҳнатдадир,
Захматим қадрин, таманносиз висолидан
сўранг.
Ерсизин яшнаб кўкармас боғ аро ҳеч бир
ниҳол,
Она бағри лаззатин эрка ғизолидан сўранг.
Боғбон қилсун ҳикоят гулпарастлар
ишқидан,
Бол ариларнинг ҳужумин ғунча ҳолидан
сўранг.
Жамбилу райҳон ҳиди кўнгилни кўклам
қилганин
Бир тутам қиз сочидек тонгнинг шамолидан
сўранг.
Ўзаро элдан ниҳон ҳеч сирримиз йўқ, қирқ
баҳор,
Қўш вафо сиррин Ғафур мирзо
мақолидан сўранг.

Латифалар

ШОИР ВА ШЕЪР ҲАҚИДА

МАЪНО ВА МАЗМУНИ ЎҒИРЛАНГАН ШЕЪР

Алишер Навоийнинг замондошларидан қайсидир бир шоир унинг ҳузурига келиб, шикоят қила бошлади:

— Қачон бирор шеър ёзар бўлсам, бошқа шоирлар менинг шеъримдаги маъно ва мазмунларни ўғирлаб, ўзларининки қилиб оладилар, ҳайронман...

— Мен ҳам сизнинг шеъларингиздан ҳеч қандай маъно ва мазмун тополмай, ҳайронликда эдим, сабаби бор экан — дебди Навоий.

ЮЗ БАИТИ БИР ПУЛЛИК ШЕЪР

Яна бир шоир мушоира мажлисида узун бир шеърни ўқиганидан сўнг, Навоий олдида мақтана бошлабди:

— Бир пуллик (бир тийинлик) шам ёниб бўлгунча, юз байт (200 сатр) шеър ёза оламан. Бугун ўқиган шу 200 байтлик қасидамни икки пуллик шам ёниб ўчгунча ёзганман.

— Кўрибиб турибди — дебди Навоий — кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ҳар юз байтингизнинг қиммати бир пуллик экан..:

ҚАНДОЛАТ ШЕЪР

Бир ёш шоир бир баркашчага писта, новвот, пашмак, ҳар хил қандолатлар тўлдириб, устига иккита шеърини қўйиб, афандига юборибди.

— «Ҳурматли мулла Насриддин амаки, иккита шеър юбордим. Ўқиб, ўз фикрингизни айтсангиз, хатолари бўлса кўрсатсангиз...» деган битта илтимоснома ҳам ёзиб қўшибди.

Узоқ вақт афандидан жавоб ололмаган шоирча яна хат ёзибди:

— «Устод мулла Насриддин амаки, бундан уч ой бурун иккита шеъримни сизнинг фикрингизни олишга юборган эдим, ҳали ҳам жавоб ололмадим...» — деган маз-мунда сўров қилибди. Бу хатга афандидан гезда жавоб келибди. Афанди шундай жавоб ёзган экан:

— «Шогирдимиз мулла фалончи. Ширинликлар орасида келган ҳар икки шеърингизни маза қилиб новвот шимиб ўтириб ўқиб чиқдим. Энди гал шеър қўшиб юбормай, қандолатларнинг ўзинигина юборсангиз ҳам шеърдай қабул қилаберамиз.

Ҳурмат билан: мулла Насриддин».

ЎТА РЕАЛИСТИК ШЕЪР

Бухоро амирларидан Абдуллахон бир кун Мушфиқийга:

— Шоирларнинг курақда турмайдиган тумтароқли, ақл бовар қилмайдиган муболағали шеърларидан жуда зериктим. Наҳотки, сиз шоирлар одам ишонса бўладиган ҳақиқат ҳолларни ёзолмайсизлар, оқни оқ, қорани қора деб ёзса бўлмайдими? дебди.

— Жуда бўлади-да, жаноби олий, мана қулоқ солинг:

Дар Бухоро гурба ях
нахўрад,
Дар Самарқанд хурўз —
мурғи нараст.

(Бухорода мушуклар музни емайди,
Самарқандда товуқнинг
эркаги хўроз)

Шундай ёзсак сизга ёқадими? — дебди Мушфиқий.

ОХУРГА КЕТАЯПМАН...

Қон тўкишлардан, зулму бедодлардан, биродаркушликлардан, хулласи ёмонлик қилабе-ришдан лаззатланмай қолган хон, шоирликни ҳавас қилиб, ғазал машқ қила бошлабди. Неча кунлар овора бўлиб, пойма-пой қофияли, мазмунсиз бир шеър ёзибди. Уни аъёндаги вазиру вузароларга ўқиб бериб-ди. Ҳаммалари таҳсин ўқибди-лар, ҳатто Шайхулисломнинг жазаваси тутиб, оғзидан оқ кўпиклар чиқариб, ўзидан кетибди. Бош вазир бўлса:

— Каломулмулуқу - мулукулкалом, — яъни пошшонинг сўзи сўзларнинг пошшоси. Бу ғазалдан кейин бошқа шоирлар қаламларини синдирсалар ҳам бўлади. Сўз бундан юқори бўлолмайди деган хулосани айтибди.

Лекин бу мақтовларга хон унча ишонқирамабди «бу киши-ларнинг ҳаммаси хушомадгўй, суйканчик одамлар, булар-нинг сўзларида тўғрилик йўқ, ҳали ҳам мулла Насриддин ҳақ гапни айтар...» деган ўй билан:

— Мулла Насриддин афандини чақириб келтиринглар, деб буюрибди. Афанди келгач, шеърни узатиб, ўз фикрини айтишни сўрабди. Афанди шеърни ўқиб, хонга айтибди:

— Аввало шуки, хон деган аблаҳ ҳамма ишни ҳавас қила бермасин. Қўлидан келмайдиган ишга уринмасин. Сен ҳам ўз чалакам-чатти хонлигингни қилабер. Шеър ёзишдай табаррук ишни ҳаром қилма. Бу нима, бу ғазал эмас, тентак одамнинг валдирашидай расво, аҳмоқона сўзлар йиғиндиси.

Қоғозни хоннинг олдига улоқтирибди.

Афандининг ҳақ гапларидан ғазабланган хон жаллод чақирибди.

— Жаллод, бу шаккокни олиб бориб, отхонага боғлаб қўй, охурда овқат бер, деб буюрибди.

Афанди аллақанча фурсат от, хачирлар билан бир қаторда устуна боғланиб, пошшолик охурдан овқат ейдиган бўлиб қопти. Бу орада хоннинг шоирлик ҳаваси совумапти. Бир ҳафтача уннаб 14 йўллик бир ғазал ёзибди. Аъёндагиларга ўқиб берган экан, ҳамма ёқдан «Оху-уҳ, ғасанно, офарин!» деган мақтовлар эшитилиб, ҳатто Шайхулисломнинг юраги ёрилиб ўлибди. Бош вазир эса:

— Агар худодан қўрқмаганимда бу ғазалдаги сўзлар қуръондаги сўзлардан ҳам юқори туради деяр эдим — деган хулоса чиқарибди.

Лекин хон бу мақтовларга ишонмай ичида «падар лаънат, хушамодгўйлар ҳали ҳам афанди рост гапиради» деб ўйлаб:

— Афандини охурдан ечиб келтиринглар — деб буюрибди.

Афанди ҳозир бўлгач, хон унга:

— Мулла Насриддин, ўтган галги шеърим ҳақиқатан бир оз хомроқ экан, кейин бир неча бор ўқиб, ўзим ҳам тан бердим. Ҳаёна энди бу ғазални ўқинг, бунинг 14 сатрини 14 кунда ёздим. Бутун ақлимнинг маҳзини сиқиб шу ғазалга солганман, — деб ғазални афандига узатибди.

Афанди ғазални ичида ўқиб чиқиб, қайтариб хонга топширибди-да, орқасига ўгирилиб кета бошлабди. Хон афандини тўхтатмоқчи бўлиб:

— Тўхтанг, мулла Насриддин, қаерга кетаяпсиз? Ахир ғазал тўғрисида фикрингизни айтиб кетинг, — дебди.

— Қаерга кетар эдим. Емҳўрак вақти бўлди. Охурга кетаяпман, деб жавоб берибди афанди.

«Мажолисулнафоис», «Гулистони Ҳаким Қоний» ва бошқа тазкиралардан терилди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАБРИ УСТИДА

(ҲИРОТ НОМЛИ ШЕЪРЛАР ЦИКЛИДАН)

Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб,
Мозорнинг бошида таъзим ила турмандадурмен сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога*) келибман интиҳоб айлаб.

Самарқанд, Андижон, Тошканду Урганжу Бухородан,
Ўзинг кашъу намо топган шарафли шонли маъводан,
Сенинг орзуларинг рўёбга чиққан янги дунёдан,
Туман Фарҳоду Ширин сув чиқарган бахтли сахродан
Ажаб гулдаста келтирдим, унга заррин таноб айлаб.

Китобинг нирмаган ўзбек элида хонадон йўқдир,
Рубоий куйларинг ёд билмаган бир жонажон йўқдир,
Етун авлодларингдир илму донишли, гумон йўқдур,
Башар тарихини юз боф ўқи, бундай замон йўқдир,
Кўнгилларни ёритдик маърифатдан моҳитоб айлаб.

Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни,
Буюн иқболни ижод айлаган мингларча гул юзни,
Қоронги шомни йўқ, доим мунаввар бахтли кундузни
Жамолини нўришга бир умрлар юммайин кўзни
«Навоий ҳам ётар то рўзимаҳшар тарни хоб айлаб».**)

25 ноябрь 1964 йил.
Ҳирот.

*) Мусалло — Ҳиротдаги қадимий номозгоҳ. Навоийнинг қабри шу ернинг ғарбида.

**) Бу сатр Навоийнинг ўзидан.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
17 ЯНВАРЬ, 1965 ЙИЛ.
№ 13 (12.969).